# КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСДА ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАСТУРЛАРИ: ЛОЙИҲАВИЙ ЁНДОШУВЛАР ВА САМАРАДОРЛИКНИ БАҲОЛАШ

**Суюнов Дилмурод Холмуродович,**
*Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби,*
*иқтисод фанлари доктори профессор,*
**Шоғуломов Алишер Ғайрат ўғли,**
*Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби,*
*тингловчиси*

**Аннотация.** *Ушбу мақолада кичик ва ўрта бизнесда ёшларни қўллаб-қувватлаш дастурлари, лойиҳавий ёндашувлар ва самарадорликни баҳолаш масалалари ўрганилади. Ёшлар учун кичик ва шрта бизнесни ривожлантиришда самарали дастурлар, тренинглар, молиявий ёрдам ва ишлаб чиқариш имкониятларини тақдим этиш муҳим аҳамиятга эга. Мақолада лойиҳавий ёндашувнинг аҳамияти, ёшларнинг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлаш учун аниқ ва самарали стратегияларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқаришда инновациялар ва рақамли технологияларни жорий қилиш, шунингдек, бизнес лойиҳаларини самарали баҳолаш учун асосий кўрсаткичлар ва усуллар муҳокама қилинади.*

**Калит сўзлар:** *Кичик бизнес,ўрта бизнес,ёшлар,қўллаб-қувватлаш дастурлари, лойиҳавий ёндашувлар,самарадорликни баҳолаш,молиявий ёрдам,касбий малака,ривожланиш стратегиялари,ишлаб чиқариш.*

**Abstract.***This article examines youth support programs in small and micro businesses, project-based approaches, and performance evaluation methods. It highlights the importance of effective programs, training, financial assistance, and production opportunities for developing youth-driven small and micro businesses. The article discusses the significance of a project-based approach, developing clear and effective strategies to support youth entrepreneurship, incorporating innovations and digital technologies in production, and evaluating business projects using key performance indicators and methods.*

**Keywords:** *Small business,micro business,youth,support programs,project-based approaches,performance evaluation,financial support,professional skills,development strategies,production*

Кичик ва ўрта бизнес  жамиятдаги иқтисодий ривожланиш учун муҳим аҳамиятга эга. Бу бизнес тури кўп ҳолатларда мамлакатнинг ишсизлик даражасини камайтириш, янги иш ўринларини яратиш ва ёшларга иқтисодий мустақилликни таъминлашга ёрдам беради. Ёшлар, ўз навбатида, кичик ва шрта бизнесни ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди, шунинг учун ёшлар учун махсус қўллаб-қувватлаш дастурлари ҳамда лойиҳавий ёндашувларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Ёшлар учун кичик ва шрта бизнесни қўллаб-қувватлаш дастурлари турли шаклларда амалга оширилиши мумкин. Бу дастурлар асосан уч хил йўналишда ишлайди: молиявий ёрдам, билим ва малака ошириш, шунингдек, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида қўллаб-қувватлаш кабиларни киритиш мумкин.

*Молиявий қўллаб-қувватлашда* Ёшлар бизнесни бошлашда кўпинча молиявий муаммоларга дуч келадилар. Бундай ҳолларда давлат ва хусусий сектор томонидан молиявий ёрдам кўрсатиш имкониятлари ташкил этилади. Бу грантлар, кредитлар ва инвестициялар шаклида бўлиши мумкин. Молиявий қўллаб-қувватлаш ёшлар бизнесига тизимли ривожланиш учун имконият яратади.

Шунингдек, тренинг ва касбий малака
Ёшларнинг бизнес бошлашдаги муваффақияти кўпинча уларнинг билим ва малакасидан келиб чиқади. Шунинг учун малакали тренинглар ва курслар, ишлаб чиқариш ва маркетинг соҳасидаги билимларни ошириш ёшларга бизнесни самарали бошқаришга ёрдам беради. Технологик ривожланишлар ва интернетнинг фойдаланиш имкониятлари ёшлар учун бизнесни самарали бошқаришда катта рол ўйнайди. Янгича технологиялар, онлайн савдо платформалари ва рақамли маркетинг ёшларнинг бизнес лойиҳаларини кўпчиликка танитишда муҳим аҳамиятга эга.

Кичик ва шрта бизнесни ривожлантиришда лойиҳавий ёндошувлар муҳим аҳамиятга эга. Лойиҳавий ёндошувлар ёшларнинг бизнесни самарали бошқаришини, уларнинг ресурсларини ва имкониятларини тўғри тақсимлашни таъминлайди.

Лойиҳавий ёндошувда биринчи қадам – аниқ мақсадларни белгилаш ва ишланадиган лойиҳани аниқ тақсимлашдир. Ёшлар учун бизнес лойиҳаларини ишлаб чиқишда режалаштириш ва ташкилотчилик ҳамда ресурстарни тўғри тақсимлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу ёшларга лойиҳага муваффақият билан эришишга ёрдам беради.

Кичик бизнесни бошлашда, айниқса, ёшлар учун, ишончли ва тажрибали ҳамкорлар билан ишлаш муҳимдир. Бу ҳамкорликлар имкониятлар ва мавжуд муаммоларни ҳал қилишда ёрдам бериши мумкин.

Лойиҳа ташкилида ёшлар учун стратегияларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда профессионал қўллаб-қувватлаш муҳимдир. Бунинг учун бизнеснинг узоқ муддатли ривожланиши учун аниқ йўналишлар ва стратегияларни белгилаш зарур.

Ёшларнинг бизнес лойиҳаларини амалга оширишда самарадорликни баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Бу қадам лойиҳанинг натижаларини ўрганиш, унинг ижобий ва салбий жиҳатларини аниқлаш ва келгусидаги бизнес лойиҳаларини ривожлантиришда ўрганилган хато ва тажрибаларни қўллашга ёрдам беради.

Лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолаш учун аниқ кўрсаткичлар белгиланиши керак. Бу кўрсаткичлар савдога чиқариш, даромадлар, иш ўринлари яратиш, технологиялардан фойдаланиш ва маркетинг натижалари бўлиши мумкин.

Лойиҳаларнинг молиявий самарадорлигини баҳолаш учун, даромад ва харажатларни таҳлил қилиш зарур. Молиявий натижалар, бизнеснинг рентабеллиги ва келгусидаги ривожланишга таъсир этиши мумкин.

Ёшлар бизнеси учун самарадорликни баҳолашда, қатъий ва объектив баҳолаш усулларини ишлатиш лозим. Баҳо бериш жараёнида аниқ маълумотлар ва кўрсаткичларга эътибор бериш муҳим.

Хулоса: Кичик ва шрта бизнесда ёшларни қўллаб-қувватлаш дастурлари, уларга бизнесни самарали бошқариш ва ривожлантириш имкониятини яратади. Лойиҳавий ёндашувлар ёшлар учун аниқ мақсадлар қўйиш ва самарали стратегияларни ишлаб чиқишга ёрдам беради. Самарадорликни баҳолаш эса, бизнеснинг ривожланишини кузатиш ва ўрганишга ёрдам беради, шу билан бирга ёшлар учун келгусидаги муваффақиятли бизнес лойиҳаларини амалга оширишга асос яратади.

## REFERENCES


1. Suyunov D. X. Corporate governance mechanism: problems and solutions. Monograph / / T.: Academia. – 2007. - T. 200.
2. Suyunov, D., and Elmurod Abdusattorovich Khoshimov. "Methodological aspects of assessing the effectiveness of corporate governance in

joint-stock companies.Scientific electronic journal" Economics and innovation technologies " 2 (2018).

3. Suyunov D. H. The main problems of corporate governance and ways to solve them //EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues (EGEI) ISSN. – C. 2321-6247.

4. Suyunova D.D. Corporate in joint stock companies ways to use digital technologies to improve management.European Journal of Research Development and Sustainability (EJRDS), Available Online at: https://www.scholarzest.com Vol. 4 No 09. September 2023 ISSN:2660-5570.

5. Суюнова Д.Д. Корпоратив бошқарувнинг самарадорлигини оширишда рақамли технолгиялардан фойдаланиш масаласига илмий қарашлар.Иқтисодий тарққиёт ва таҳлил илмий электрон журнали, 2024 йил 31 июль.https://e-itt.uz/index.php/eitt/article/view/1472/1379.

6. Суюнова Д.Д. Рақамли технологиялардан фойдаланиш асосида корпоратив бошқарувнинг самарадорлигини ошириш масаласига илмий ёндашув.(Рақамли иқтисодиёт шароитида бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари, халқаро илмий-амалий конференция, 2022 йил 23 декабрь.)

7. Суюнова Д.Д. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни жорий қилишнинг рақамли трансформациясини амалга оширишга илмий-назарий ёндашув. (Рақамли иқтисодиёт шароитида бизнес ва тадбирворликни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари, халқаро илмий-амалий конференция, 2022 йил 23 декабрь).

8. D.Kh Suyunov, T.D. Shermonovna The role and importance of digital technologies in the development of enterprises. The American Journal of Social Science and Education Innovations 4 (02), 15-19.2022.

9. Д.Х.Суюнов, Э.А.Хошимов Корпоратив бошқарув моделлари: концептуал жиҳатлари, замонавий тенденциялар ва конвергенция имкониятлари. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали 4, 12-17, 2017.

10. Д.Х. Суюнов, Э.А. Хошимов, Ш.А. Хусаинов Корпоратив бошқарув: муаммолар ва замонавий ечимлар. 2018. 220 бет.

11. Д.Х. Суюнов, Б.А. Холбаев Лойиҳа бошқаруви: услуб ва стандартлар. Ўқув қўлланма. 2018 йил. 195 бет.

12. Суюнов.Д.Х. Холбаев.Б.А. Методы и стандарты управления проектами. учебное.2018 год. 210 стр.

13. D.Kh. Suyunov, A.T.Kenjabaev Scientific Approaches to The Analysis of the Experience of Foreign Countries on the Development of Entrepreneurship in The Service Field.Wire Insights: Journal of Innovation Insights 1 (5), 1-7. 2023.

14. Д.Х.Суюнов Ўзбекистоннинг халқаро рейтинг ва индексландаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлаш механизмлари. Science and innovation 2 (Special Issue 13), 486-488.2023.

15. D.X. Suyunov Theoretical principles of improving the modern corporate control system in joint stock companies International journal of economic perspectives. 16 (11), 90-97.2022.

16. D.X. Suyunov, S.E. Elmirzayev Korporativ boshqaruv. Дарслик–Toshkent 2022.450 бет.

17. A.K. Olimovich, M.Butabaev, S.D. Kholmuradovich Project management in the system of strategic company management Galaxy International Interdisciplinary Research Journal 11 (7), 40-44. 2023.

18. D.X. Suyunov Ways of its Development in Uzbekistan, BPG Economy Genius Repository 24, 7-15.2023.

19. Д.Х. Суюнов, Э.А.Хошимов Замонавий шароитларда Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизими ривожланишининг асосий йўналишлари. Журнал Экономика и инновационные технологии, 2019. 197-210 бетлар.

20. Б.Ф.Ганиходжаев, Д.Х.Суюнов, Ш.Хусаинов. Пособие по корпоративному управлению. Ташкент–адабиёт учкунлари 2017.

21. D.KH. Suyunov, Kaytarov. V. (2023) Problems in the development of remote banking services in commercial banks of Uzbekistan World economics and finance bulletin 26, 39-46.

22. D. KH. Suyunov, M.I. Maxsudov Benefits of digitalization of the economy in Uzbekistan Экономика и социум, 748-751.2023.

23. Suyunov D. X. Corporate governance mechanism: problems and solutions. Monograph / / T.: Academia. – 2007. - T. 200.